



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Абдор Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Фарход Абдувалиевич Адиллов</b> ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
<b>2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова</b> “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
<b>3. Отабек Аманиллаевич Бахриев</b> ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
<b>4. Жонибек Бўтаев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
<b>5. Рахмон Ибрагимов</b> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
<b>6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов</b> XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ НАҚИДА.....	38
<b>7. Юлдузхон Имомова</b> ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
<b>8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров</b> СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
<b>9. Тимур Туляганович Раишев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
<b>10. Нодира Набиевна Сафиходжаева</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
<b>11. Азизбек Гўзалович Холлиев</b> XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
<b>12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров,**  
тарих фанлари бўйича (PhD) доктори  
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат  
техника университети Қўқон филиали

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ

**For citation:** Muzaffarjon Mansurov, ROLE OF THE ORGANIZATION OF INTURIST IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE FERGANA TOURIST REGION IN THE YEARS OF THE SOVIET UNION. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.53-58

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-8>

### АННОТАЦИЯ

Совет иттифоқи йилларида Интурист ташкилоти ташкил этилиши туризм соҳасининг янги сифат босқичига кўтарилишига олиб келди. Туризм соҳаси тўлиқ мафқуралиштирилиши натижасида асосан коммунистик идеологияга хизмат қилиши мумкин бўлган тур маршрутлар йўлга қўйилганлиги Фарғона туристик минтақаси орқали таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тоғ туризми, ов туризми, тарихий-маданий туризм, рекреацион минтақа, гид таржимон.

**Музаффаржон Мансуров,**

доктор философских наук(PhD),

Старший преподаватель Кокандского филиала Ташкентского государственного  
технического университета имени Ислама Каримова

## РОЛЬ ОРГАНИЗАЦИИ ИНТУРИСТА В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА В ФЕРГАНСКОМ ТУРИСТИЧЕСКОМ РЕГИОНЕ В ГОДЫ СОВЕТСКОГО СОЮЗА

### АННОТАЦИЯ

Создание организации «Интурист» в годы Советского Союза привело к подъему индустрии туризма на новый качественный уровень. В результате полной идеологизации индустрии туризма через Ферганский туристический регион было проанализировано, что туристические маршруты были установлены, которые могли служить главным образом коммунистической идеологии.

**Ключевые слова:** горный туризм, охотничий туризм, историко-культурный туризм, рекреационная зона, гид-переводчик.

**Muzaffarjon Mansurov,**  
Doctor of Philosophy in Historical Sciences(PhD),  
Senior Lecturer in Kokand branch of  
Tashkent State Technical University  
named after Islam Karimov

## ROLE OF THE ORGANIZATION OF INTURIST IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE FERGANA TOURIST REGION IN THE YEARS OF THE SOVIET UNION

### ABSTRACT

The Intourist Organization establishment during the years of the Soviet Union led to the rise of the tourism industry to a new level of quality. As a result of the tourism industry complete ideologicalization, it was analyzed through the Fergana tourist region that tour routes were established, which could mainly serve the communist ideology.

**Index Terms:** mountain tourism, hunting tourism, historical and cultural tourism, recreational area, guide translator.

### 1. Долзарблиги:

Совет иттифоқи капиталистик мамлакатлардан фарқли ўлароқ туризмга “айрим” синфлар учун имтиёз сифатида қаралмаганлиги асосан ишчи-деҳқон, зиёли ва талабалар учун хизмат қилган. Ишчилар Совет иттифоқида бошқа “синф” вакилларига нисбатан камроқ тўсиқларга учраган. Совет ишчилари ҳаёти, иш фаолияти, “фаровон” турмуш-тарзи хорижлик ишчиларга намоёиш қилиш орқали капиталистик мамлакатларда “ишчилар” “мазлум” синф сифатида кўрсатиш орқали ўз тузумига нафрат руҳини сингдиришга ҳаракат қилинган. Интурист халқаро майдонда ҳамда мамлакат ичкарасида Совет давлатининг ташқи ва ички имиджини белгилаб берувчи кучга айланди. Зиёрат туризмнинг асосий муқаддас қадамжолари жойлашган Макка, Мадина, Қуддус шаҳарлари сингари Совет иттифоқини ишчиларнинг асосий “зиёратгоҳига” айлантириш [1.14,15,28Б.] режалаштирилди.

Интурист ишчиларнинг барча орзу-истаклари рўёби айнан социализмда эканлигини кўрсатиш муҳим роль ўйнади. Хатто хориждан ташриф буюрган туристларнинг соғлиғига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Чунки, капиталистик мамлакатларда тиббий хизмат асосан бозор талаблари асосида фаолият олиб борганлиги туфайли ижтимоий касалхона ва бепул дори-дармон бериш тизими мавжуд бўлмаган. Совет иттифоқи айнан ушбу тизимни мамлакатда йўлга қўйиш орқали “инсон” омили, ишчилар ҳаёти ҳар нарсадан муҳим тамойилини амалда кўрсатиб қўйишга уринди. Депрессия ва тушкунлик кайфияти устувор бўлган капиталистик мамлакатлари ишчилари учун бу қайсидир маънода орзу эди. Айнан шу вазиятдан фойдаланишга ҳаракат қилга Совет иттифоқи “ахборот” орқали социализм идеологиясини ғарб давлатларининг “агриссив” ишчилар онгига сингдиришга ҳаракат қилган. Интурист туризмни энг “содда ва фойдали экспорт” сифатида қарай [2.101.Б.] бошлаган.

### 2. Метод ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган методлар тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Интуристнинг 1929-1980 йилларида туризм соҳасини ривожлантириш, инфратузилмани шакллантириш ҳамда туризмдан коммунистик ғоялар тарғибот қуроли сифатида фойдаланиш методологияси очиб берилган. Совет иттифоқи йилларида Совет иттифоқида шунингдек бевосита Фарғона водийсида туризмни умумий ҳолати тўғрисида Д. Колбинценов, Г. Бернадский, И. Верма, И. Бекмуродов, С. Пославская, И. Тухтасинов, В. Рецеклар синфий-сиёсий ва мафкуравий босимлар ҳукмрон бўлган, марказнинг ўлканинг олис ҳудудларида туризм тараққиётига у даражада эътибор бермаганлиги ҳукм сурган даврда муаллифлар, хусусан, иқтисодчилар, географлар ўрганилаётган масалаларни ҳолисона таҳлил қилиш ва уларни атрофлича ёритиш имконидан маҳрум эдилар. Мазкур илмий асарлар тавсифий аҳамиятга эга бўлиб, уларда

асосан, Фарғона водийсининг рекреацион дам олиш масканлари бўйлаб саёҳатлар ташкил этишнинг географик томонларигина ёритилган ҳамда улар кўпроқ сайёҳларга йўл кўрсаткич вазифасини ўтаган[3.].

### 3.Тадқиқот натижалари:

Совет иттифоқи йилларида Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ҳақиқий маънода ривожланиши, структураси шаклланиб, сиёсий-мафкуравий жиҳатдан давлат “сиёсати даражасига кўтарилиши айнан Интурист ташкилоти фаолияти билан бевосита боғлиқ. Интурист ташкилоти 1929 йилда ташкил топган бўлса-да, унинг Фарғона минтақавий бўлими 1931 йилда ташкил топди. Рус олими Василиевнинг 1932 йилда нашр этилган “Ръголетар туризми усун О’рта Асья боюнча сақлам екскуртјә усун” илмий оммабоп рисоласида Ўрта Осиё бўйлаб ташкил этилган туристик маршрутлар ҳамда саёҳат натижасида қандай “маънавий” ва “илмий” билимларга эга бўлиш мумкинлиги тўғрисида батафсил баён этилган. Шу билан бир қаторда Интурист ташкилотининг дастлабки шаклланиш жараёнлари ва социализмнинг “порлок” келажagini намойиш қилувчи тур маршрутлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Тошкент-Ангрен-Қамчиқ довони-Кўқон-Конибодом-Қайроққум-Хўжанд-Тошкент йўналиши бўйлаб туристик маршрут ташкил қилингани натижасида водийнинг ноёб табиат ёдгорликлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар кўрсатиб ўтилган[4.24.Б.].

Интурист фаолияти давомида туризм брендларини шакллантириш, туристларда ўзаро ишончни мустақкамловчи кучга айланди. Интурист энг аввало иттифоқдош мамлакатлар билан темир йўл линиялари ўтказилган ҳудудларда туризмни ривожлантиришга эътибор қаратди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги биринчидан сайёҳларни ташишдаги қулайлик туфайли бўлса, иккинчидан туристларнинг ҳавфсизлиги биринчи даражада бўлган. Жумладан, 1931 йилдан 1969 йилга қадар Фарғона туристик минтақасида босқичма-босқич спорт туризми, тоғ туризми, соғломлаштириш туризми каби турлари ривожлантиришга аҳамият қаратилди. Бу ўз навбатида Фарғона туристик минтақасининг рекреацион жиҳатдан қулай минтақада жойлашганлиги туфайли туризмни ривожлантириш учун истикболли минтақа сифатида қаралди[5.14.Б.]. Совет иттифоқи дастлабки даврда тарихий-маданий йўналишда туризм турларини ривожлантирилмаганлиги мафкуравий жиҳатдан “қуролланиш” даражаси сустиги билан боғлиқ. Иккинчидан тарихий-маданий туризм турларини ривожлантириш ҳали “миллий ўзлик” даражаси сўнмаган янги мафкура тўлақонли ўрнатилмаган жамиятда бундай туризм турларини ривожлантириш мамлакат “барқарорлигига” таъсир кўрсатиши мумкинлиги нуқтаи-назаридан ҳам йўлга қўйилмади.

Туризмнинг ривожлантириш бўйича ҳар қандай моделнинг асосий моҳияти ўз давлатчилигининг “улуғворлигини” намойиш этиш бирламчи аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатнинг асосий “мафкураси”га хизмат қилади. Туризм нафақат дам олиш тури шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни хорижликларга намойиш этишнинг самарали усули ҳамдир. Жумладан, Фарғона водийси туристларни жалб қилиш учун етарли даражада ўзига хос флораси мавжуд. Унинг узумзор, анорзорлари ўриклари ҳатто хорижда ҳам машҳур бўлган. Бундай ўзига хос тамга эга мева маҳсулотлари ҳар қандай таби нозик сайёҳни ҳам таажубга солиши тайин[6.16.Б.]. Бундай имкониятдан унумли фойдаланган Совет иттифоқи 1969 йилдан биргина Шохимардон туристик зонасида ички йўллар таъмирланади ва асфальт-лаштирилади[7.18.Б.]. Шунингдек, туристик автобус катнови ҳам йўлга қўйилади. Сайёҳларга озик-овқат ва хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади[8.19.Б.]. Хатто енгил автомобилларда туристларга хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Сайёҳларни шахсий қизиқишларини инобатга олиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди[9.20.Б.].

Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Фарғона-Ўш, Фарғона-Ленинобод, Фарғона-Ҳазабод-Ўш-Андижон-Саричелак йўналиши бўйлаб саёҳат маршрутлар ишлаб чиқилди[10.11.Б.]. Шунингдек, 1970 йилдан эътиборан мавзули туристик маршрутлар ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратила бошланди. Жумладан, “Фарғона водийсида совет

иттифокининг ўрнатилиши”, “Шохимардонда совет иттифокининг ўрнатилиши”, “Фарғона шаҳри Ўзбекистоннинг марвариди” номли саёҳат маршрутлари йўлга қўйилди[11.14.Б.]. Олий ўқув юртларига кирувчи ёшларга мўлжалланган “Мен таълим олмоқчи бўлган шаҳар”, “Мен яшаётган шаҳар” номли саёҳат маршрутлари ҳам йўлга қўйилди[12.5.Б.]. Совет иттифоқи туризм соҳасида амалга оширилган ислохотларга ушбу даврда “туристик инқилоб” сифатида “баҳолади”. Бундан кўзланган асосий мақсад Совет давлатининг “очик сиёсатини” намойиш этилаётганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилган. Буни амалда бутунлай бошқача баҳолаш ҳам мумкин. Совет даврида яратилган туризм соҳасидаги имкониятлар “қизил занжир билан ҳимояланган алмашув” сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида Марғилон ипакчилик комбинатига қарашли “Тошлоқ кўли” турбазаси худудидаги сунъий кўл барпо этилди. Сайёҳлар учун маданий хордиқ чиқариш учун валебол, баскетбол, футбол майдонлари ташкил этилган. Кўлда хаваскор овчилар учун махсус балиқ ови билан шуғулланиш имконияти яратилди[13.7.Б.]. Шохимардон турбазасида туристларнинг хошиш истқларидан келиб чиқиб, дам олиш программаларига ўзгартириш ҳам киритиш имконияти яратилди. Жумладан, туристларнинг ёш ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда КВНлар туғулган кунлар ташкил этилиши мумкин бўлган[14.4.Б.]. Бу билан иттифоқ “энг ривожланган ижтимоий инфратузилма” яратилган мамлакат имиджи шакллантириш “тенглик” тамойили устувор жамиятни капитализмдан устун эканлигини намойиш этишга ҳаракат қилган.

1970 йилда Фарғона туристик минтақасига бир кунда мавсум давомида 49920 киши ҳаракатланган бўлса, 67500 иттифоқдош ва хориж республикаларидан келган сайёҳларга хизмат кўрсатилган[15.5.Б.]. Сайёҳларга асосан “советча” турмуш-тазини ҳамда советча ҳаётни тарғиб қилувчи турли байрам тадбирлари намойиш қилинган. Чунки санъат инсон онгига энг кучли таъсир кўрсатувчи омил эканлигидан фойдаланган совет ҳокимияти “ватанпарварлик” руҳидаги замонавий мусиқа ва кўшиқлар, санъат кўرғазмалар орқали таъсир ўтказишга ҳаракат қилган.

1970 йиллардан бошлаб Фарғона туристик минтақасида тарихий-маданий туризм турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратила бошланганлиги натижасида Кўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги тарихий масканлар ҳамда музейлар хорижликлар эътиборига ҳавола этила бошланди[16.8.Б.]. Аммо, сайёҳларнинг айримлари тарихий объектлар бўйича тўлақонли тасаввурга эга бўлмаган. Музей кўрғазма ва галереялари фаолиятдан қоникмаганлигини қайд этган. Бу албатта табиий ҳол бўлиб, маҳаллий музей ва галереялар Совет руҳиятини акс эттириш бирламчи аҳамиятга эга бўлган. Миллий ва тарихий буюмларнинг ноёб нусхалари марказга жўнатилиши натижасида маҳаллий музейлар “нисбатан қашшоқ” эканлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Тарихий-маданий туризм турларининг ҳам асосий маршрутлар таркибига киритилиши сайёҳлар сонининг нисбатан ошишига олиб келди. Жумладан, 1972 йилда тарихий-маданий йўналишлар Фарғона туристик минтақасида 730 экскурсиялар уюштирилди ҳамда 8000 яқин туристлар сайёҳларга хизмат кўрсатилди[17.3.Б.]. Аммо шуни қайд этиш лозимки, Совет иттифоқи йилларида хорижлик сайёҳлар ҳаракатланиш эркинлиги чекланган. Маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатга киришишга ҳам “имкон” берилмаган. Бу орқали Совет давлатидан ўз мамлакатига қайтгач турли “бўхтон”лар ёғдирилишини олди олинган. Хорижлик сайёҳлар мамлакатда саёҳат давомида суратга олишда муаммолар бўлмаган бўлса-да, сурат олиш таъқиқланган “худуд”ларда суратга олиш ишлари амалга оширилса ҳеч қандай эътироз инобатга олинмаган ҳамда ўчиртирилган. Хатто туристик рекламалар ҳам “сиёсийлаштирилган”.

Фарғона туристик минтақасида туристларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. 1970 йилларда биргина Фарғона вилоятида 4 та меҳмонхона ва Шохимардон туристик зонасида “Атлас” фирмаси икки кунлик дам олиш уйи[18.11.Б.], Марғилон марказий касалхонаси дам олиш уйи, РСУ – 56 ташкилотининг икки кунли дам олиш уйи, Марғилон ПҚК ташкилотининг икки кунлик дам олиш уйи, “Ўзқишлоқ хўжалик техника” ташкилоти дам олиш уйи, “Марғилон шаҳар савдо”

ташкilotи дам олиш уйи, “Фарғона савдо” ташкilotи дам олиш уйи [19.12.Б.], Марғилон маданият уйи дам олиш уйи, ЦУМ ташкilotи дам олиш уйи, СТЕПТОРГ ташкilotи дам олиш уйи[20.13.Б.] мавжуд бўлса-да, амалда ушбу меҳмонхона ва дам олиш уйлари оилавий дам олиш учун мўлжалланмаган эди. Шунинг учун ҳам Совет давлати имкон доирасида 16 ёшгача фарзанди билан саёҳатга чиқувчиларни қабул қилмаган. Бунга меҳмонхоналарда оилавий саёҳатга чиқувчилар учун қулайлик яратилмаганлиги, махсус транспорт воситалари етишмаслигини “сездирмаслик” асосий мақсад бўлган.

Совет иттифоқида туризмнинг энг асосий хусусияти нархлар бўйича чегирма ва имтиёзларнинг мавжудлиги ҳамда капиталистик мамлакатларда таклиф этилаётган нархлардан арзонлиги билан ажралиб турган. Бу ўз навбатида нисбатан кам даромадли қатлам, ишчи, талаба ва зиёлилар қатламининг ҳам саёҳатга чиқиш имконини берди. Биргина 1971-1975 йиллада Фарғона вилоятида туристларнинг бир кунлик саёҳат харажатлари 84 рублни ташкил этган бўлса, 12 соат дам олиш харажатлари 48 рублни ташкил этган[21.27.Б.].

Туризм соҳасини ривожлантириш ва жозибadorлигини ошириш нафақат туристик объектларга бойлик билан ўлчанади. Шунингдек, кадрлар салоҳияти ва тажрибаси билан ҳам боғлиқ. Туризм соҳасига малакали мутахасисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгаллигини инбатга олган ҳолда гид таржимон ҳамда экскурсаводларни тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Жумладан 1978 йилда Фарғона туристик минтақасида 287 нафар гид таржимон ва экскурсавод фаолият олиб борган[22.8.Б.]. Гид таржимонлар асосан партия олий мактабида таҳсил олган комунистик мафкурага содиқ ёшлар орасидан танлаб олинган. Гид таржимонлар учун махсус йўриқномалар ишлаб чиқилган. Совет иттифоқи ҳақидаги дастлабки таасуротни сайёҳлар аввало гид таржимон орқали олишини инobatга олган ҳолда уларнинг ташқи имиджига ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Уларнинг сиёсий, мафкуравий ва бошқа соҳаларни ўзлаштирганлиги муҳим бўлган. Гид таржимонлик фақат хорижий тилни мукамал билувчи эмас балки, хар қандй вазиятдан чиқиб кета оладиган хушёр шахслардан танлаб олинган. Чунки мамлакатнинг ташқи имиджини шакллантирувчи асосий фигура гид таржимон ҳисобланган. Гид таржимон сайёҳларга маҳаллий халқларнинг миллий ментал хусусиятларини ҳурмат қилиш зарур. Айниқса жамоат жойларида ўзини тутиш, умумий ахлоқ нормаларига амал қилиш зарурлиги тушунтириб ўтилиши шарт бўлган. Сайёҳлар мамлакатни тарк этиш муддати келганда уларнинг чипта олишлари учун ҳам гид таржимонлар масъул ҳисобланган. Гид таржимон талаб қилинса ёки тур маршрут доирасида конгресс ёки конференциялар ташкил этилиши кўзда тутилган бўлса ташкиллаш ишларига бевосита раҳбарлик ҳам қилган. Гид таржимон ўзи бириктирилган ҳудудни тўлақонли билишга мажбур бўлган.

#### 4. Хулосалар:

Совет иттифоқи йилларида туризм шаклланиш жараёни яқунланди. Туризм социализм идеологиясининг тарғибот куралига айланди. Яратилган хар бир қулайлик энг аввало тузумнинг “ижобий” имиджини шакллантириш учун хизмат қилди. Сайёҳларга таъсир ўтказиш механизмлари психологик ва ахборот усуллари ишлаб чиқилди. Соҳа ривожини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган гид таржимонлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши хорижлик сайёҳларнинг социализм тўғрисида “холис” ахборот олиш имконияти яратилди.

#### Иктибослар / Сноски / References:

1. Багдасарян В., Орлов И. Советское Зазеркалье (Иностранный туризм в СССР в 1930–1980-е годы) – Москва: Форум, 2007. – С. 14, 15, 28, 68.
2. Багдасарян В., Орлов И. Советское Зазеркалье (Иностранный туризм в СССР в 1930–1980-е годы) – Москва: Форум, 2007. – С. 101.
3. Колбенценов Д. По дорогам Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – 136 с.; Усмонходжаев Б., Кузьмин М. Большой Ферганский канал имени Усмана Юсупова. – Ташкент:, Узбекистан, 1972. – 94 с.; Рецек В. Ўрта Осиёни кезганда (Фарғона, Олой,

- Қоратегин, Ҳисор, Кўхистон). – Ташкент: Ўзбекистон, 1972. – 110 б.; Бернадский Г. М. Маршруты Ферганской долины. – Москва: Физкультура и спорт, 1972. – 120 с.; Колбинцов Д. Сўлим оромгоҳлар бўйлаб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 110 б.; Тухтасынов И. Фарганская область путеводитель. – Ташкент: Узбекистан, 1978. – 20 с.; Назилов Д. Халқ меъморчилиги. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.; Бекмуродов И., Мадаминов А., Акрамов Ғ. Ғафур Ғулом номидаги Фарғона область адабиёт музейи йўл кўрсаткичи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983. – 66 б.; Пославская С. Туристическими тропами Узбекистана (пути в природа). – Ташкент: Узбекистан, 1985. – 154 с.; Верба И., Голицин С., Куликов В., Рябов Е. Мактабда туризм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 108 с.
4. Vasiljef G.I. Pъroletar tyrizmi usyn O’rta Asъja boъunca saqlam ekskyrijъ usyn. – Tashkent: 1932. – В. 24
  5. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 14-вароқ.
  6. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 16-вароқ.
  7. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 18-вароқ.
  8. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 19-вароқ.
  9. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 20-вароқ.
  10. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 57-йиғма жилд, 11-вароқ.
  11. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 57-йиғма жилд, 14-вароқ.
  12. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 53-йиғма жилд, 5-вароқ.
  13. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 7-вароқ.
  14. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд, 4-вароқ.
  15. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 58-йиғма жилд, 5-вароқ.
  16. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 23-йиғма жилд, 8вароқ.
  17. ФВДА: 1160-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 3-вароқ.
  18. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 11-вароқ.
  19. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 12-варақ.
  20. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 13-вароқ.
  21. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 27-вароқ.
  22. ФВДА, 1160-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 8-вароқ.

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№12 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000